

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA MAHSUS  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Жиззах давлат педагогика  
институтининг ректори  
Ш.С. Шарипов



«МАЪҚУЛЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
Хузуридаги ОАК раиси  
А.Т. Юсупов



13.00.02. –Таълим –тарбия назарияси ва методикаси (Ўзбек тили ва  
адабиёти)

ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон

ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси

Раёсатининг 2020 йил «30» 06. №281/4 сонли қарори билан  
тасдиқланган.

ЖИЗЗАХ-2020

- Тузувчилар:**
- 1.Маматов А.Э., ф.ф.д.,проф.*
  - 2.Мусаев А.С., ф.ф.н., доцент*
  - 3.Сойинов С.Н., ф.ф.н., доцент*
  - 4.Ибрагимова Ф.Э., ф.ф.н., доцент*

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жиззах давлат педагогика институти Кенгашида кўриб чиқилган ва ОАКка тасдиқлаш учун тавсия қилинган (2020 йил “ ” даги -сонли баённома).

## Кириш

10.00.01 – “Ўзбек тили” ихтисослиги бўйича номзодлик имтиҳони дастури айти ихтисосликдан имтиҳон топширувчи таянч докторант ёки мустақил изланувчининг ўзбек тили тизимини тўлиқ даражада, яъни унинг фонетикаси, грамматикаси, лексикологияси, диалектологияси, тарихий лексикологияси ва грамматикаси ҳамда тарихий тараққиётини, шунингдек, услубияти ва нутқ маданияти муаммоларини, нотиклик санъати тарихини, имлоси ва адабий талаффуз тамойилларини давлат университетлари ва педагогика институтлари филология факультетларининг магистратурасини тугаллаганларга мўлжалланган дастур ҳажмида ўрганилганлигини баҳолашни кўзда тутиб тузилган.

Мазкур дастур, фан моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, “Ўзбек тили тарихи”, “Ўзбек шевашунослиги (диалектологияси)” ва “Ҳозирги ўзбек адабий тили” деб номланган уч таркибий қисмга бўлинди.

“Ўзбек тили тарихи” курси ўзбек тилининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари ва бунинг ўзига хос хусусиятларини, ўзбек тили тарихини даврлаштириш масалаларини, қадимий туркий тил, эски ўзбек тили, ўзбек адабий тили, уларнинг ўзига хос лисоний хусусиятларини ўрганишга қаратилган; ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва бойишида, унинг функционал услублари ҳамда меъёрлари ривожда тарихий ёзма ёдгорликлар тили, халқ лаҳжа ва шевалари ҳамда ўзбек фольклори тилининг ўрни ва аҳамиятини белгилаш ва баҳолашга йўналтирилган; ана шу шаклланиш жараёнида ўзбек мумтоз адабиёти тилининг, айниқса, Алишер Навоий, Бобур, Абулғозихон, Огаҳий ва бошқаларнинг асарлари тилининг аҳамиятини кўрсатишни мақсад қилиб қўйган.

Ўзбек тили туркий тиллар орасида энг кўп шевали тилдир: унда қарлук, кипчоқ ва ўғуз лаҳжаларига мансуб юзлаб шевалар мавжуд. Ўзбек диалектологияси (шевашунослиги) ўзбек тилшунослигининг мустақил йўналиши бўлиб, ўзбек шеваларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади. “Ўзбек шевашунослиги (диалектологияси)” қисми бўйича тузилган дастур имтиҳон топширувчи шахснинг ўзбек диалектологиясининг мақсад ва вазифалари, унинг тадқиқот объекти, тадқиқ усуллари, ўзбек тили лаҳжа ва шеваларининг лисоний хусусиятлари юзасидан билим даражасини аниқлашни кўзда тутди.

“Ҳозирги ўзбек адабий тили” курси бўйича тузилган дастур ва саволлар имтиҳон топширувчининг ҳозирги ўзбек тили фонетикаси, морфемикаси ва сўз ясалиши, морфологияси ва синтактик тузилиши, грамматик категориялари ва уларнинг таснифи, луғавий тизими ва унинг таркиби, бойиш манбалари, имлоси ва тўғри талаффузи, услубияти ва бошқалар ҳақидаги билимларини аниқлашни кўзда тутди.

Ўзбек тилининг луғат таркиби мураккаб тизим ва қатламлардан иборат бўлиб, сўзлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлланиб, муайян соҳаларга функционал жиҳатдан мослашган, тармоқланган бўлади. Мана шундай соҳалардан бири илм-фан соҳаси бўлиб, унга хосланган сўзлар терминлар ҳисобланади. Терминология бўйича тузилган саволларнинг мақсади имтиҳон топширувчи

шахсининг терминология, жумладан, ўзбек терминологияси бўйича билим даражасини аниқлашдир. Айниқса, илмий-тадқиқот олиб бораётган шахсларнинг илмий терминологиянинг моҳиятини, асосий лисоний ва нолисоний хусусиятларини яхши билиши, ўз соҳасида терминларни тўғри қўллаш олиши ниҳоятда муҳимдир. Аксинча, терминларни нотўғри қўллаш илмий тушунчаларни тўғри тушунишга халақит беради.

Нутқ маданияти ва услубшунослик, имло ва тўғри талаффуз соҳалари бўйича тузилган дастур ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Ўзбек тилининг бой ифода имкониятлари, ҳозирги глобаллашув давридаги тараққиёти, миллат менталитети ва дунёқараши билан боғлиқ жиҳатларини дунё тилшунослигининг етакчи илмий парадигмалари ҳамда миллий тилшунослигимизда илгари сурилган назарий қарашлар асосида тадқиқ этиш ҳозирги тилшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш билан боғлиқ 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ва ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларида ўзбек тилини ўрганишга доир муҳим фикр ва қарашлар, жумладан, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш хусусидаги қарашлар олға сурилганки, улар ўзбек тилини ўрганиш ва тадқиқ этишда дастуруламал аҳамиятига эгадир.

### **Методологик масалалар**

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, уни ривожлантириш борасида тилшунослар, умуман, зиёлилар олдида қўйган вазифалари ва кўрсатмалари.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни (1989 йил 21 октябрь, 1995 йил 25 декабрь), унинг моҳияти, Қонуннинг жамият ҳаётидаги ва ўзбек тили ривожига аҳамияти.

Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни (1993 йил 2 сентябрь, 1995 йил 6 май) нинг мазмуни ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»ни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори (1995 йил 24 август), имло қоидалари амалиёти ҳамда уни янада такомиллаштириш борасидаги мулоҳазалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони (2016 йил. –14 май)да ўзбек тилшунослигини ривожлантиришга доир кўрсатмалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ–4479-сонли "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарорининг аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ўзбек тили тараққиётидаги роли.

### **1-қисм. Ўзбек тили тарихи**

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш масаласи. «Қадимги туркий тил», «эски ўзбек тили», «ҳозирги ўзбек тили» тушунчалари ҳақида.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тили ва унинг ўзбек тилининг шаклланишидаги аҳамияти. XIII-XIV асрларда Ўрта Осиё ва Олтин Ўрда худудларида яратилган адабий ёдгорликлар тили ва унинг ўзбек тилига муносабати. XIV аср охири ва XV асрнинг 1-ярмидаги ўзбек адабий тили ва унинг шаклланиш манбалари.

Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси. Алишер Навоий тилининг диалектал асослари. Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асари ва унинг ўзбек тили ривожигаги ўрни. «Муҳокаматул-луғатайн» – тилларни қиёсий ўрганиш намунаси сифатида. XVI аср ўзбек адабий тили ривожини ўрганишда Бобур асарларининг аҳамияти.

XV-XIX асрларда эски ўзбек тили бўйича яратилган луғатлар ва грамматик асарларнинг ўзбек тили тарихини ўрганишдаги аҳамияти. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек адабий тилининг асосий хусусиятлари.

Эски ўзбек адабий тилининг функционал услублари, уларнинг шаклланиши ва тараққиёти. Ўзбек тилида публицистик услубнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида ўша давр матбуоти тилининг ўрни. Ўзбек миллий адабий тили ва унинг шаклланиш манбалари. Миллий тилнинг асосий хусусиятлари. Ўзбек тили тарихи масалаларининг ўрганилишида хориж туркийшуносларининг (Е.Д. Поливанов, К.К. Юдахин, А.К. Боровков, А.Н. Кононов, А.М. Шчербак, В.В. Решетов, Н.А. Баскаков, Г.Ф. Благова ва б.) хизматлари. Ўзбек тили тарихи масалаларининг ўрганилишида Ҳамид Неъматовнинг ўрни.

Эски ўзбек тилида унлилар тизими. Эски ўзбек тилида ундошлар тизими. Эски ўзбек тилида сингармонизм.

Эски ўзбек тилида келишиклар ва уларнинг ифодаланиш шакллари. Эски ўзбек тилида сифат даражалари ва уларнинг ифодаланиш шакллари. Эски ўзбек тилида тартиб сон ва унинг ифодаланиш усуллари. Эски ўзбек тилида кишилик

олмошлари ва уларнинг турланиши. Эски ўзбек тилида феъл майллари. Эски ўзбек тилида феъл замонлари ва уларнинг ифодаланиш шакллари.

Эски ўзбек тилининг синтактик хусусиятлари. Эски ўзбек тилида гап бўлаклари, гапларнинг тузилиши ва типлари.

## **2-қисм. Ўзбек шевашунослиги (диалектологияси)**

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг диалектал асослари. Қарлуқ лаҳжаси ва унга мансуб шевалар. Қипчоқ лаҳжаси ва унга мансуб шевалар. Ўғуз лаҳжаси ва унга мансуб шевалар. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида қарлуқ, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларидан ҳар бирининг ўрни ва аҳамияти. Ўзбек шеваларини таснифлаш муаммолари (Ғози Олим, Е.Д. Поливанов, К.К. Юдахин, А.К. Боровков, В.В. Решетов, Ш. Шоабдурахмонов).

Ўзбек шеваларида «о»лашиш, унинг юзага келиш сабаби ва генезиси. Ўзбек шеваларида унлилар ва уларнинг адабий тилдаги унлилардан сифат ва миқдор жиҳатидан фарқланиши. Ўзбек шеваларида ундошлар ва уларнинг адабий тилдаги ундошлардан сифат ва миқдор жиҳатидан фарқланиши.

Ўзбек шеваларида эгалик категорияси. Ўзбек шеваларида кўплик категорияси. Ўзбек шеваларида келишиклар. Ўзбек шеваларида феъл замонлари. Ўзбек шеваларида кўмакчилар.

Ўзбек шеваларида сўз ясалиши; сўз ва шакл ясовчилар.

Ўзбек шеваларининг луғавий таркиби ва уни ўрганган ўзбек шевашунослари.

## **3-қисм. Ҳозирги ўзбек адабий тили**

Фонетика. Ўзбек тили унлилари ва уларнинг таснифи. Ўзбек тили ундошлари ва уларнинг таснифи. Ўзбек тилида кўш ундошларнинг қўлланиши.

Тарихийлик жиҳатидан ўзбек тили лексикаси. Ўзбек тилида тарихий ва эскирган сўзлар. Қўлланиш доирасига кўра ҳозирги ўзбек тили лексикаси: диалектал, махсус, жаргон ва бошқа турдаги сўзлар. Ўзбек тили лексикасининг фаол ва нофаол қатламлари. Сўзларнинг нофаол захирага ўтиши ёки эскирган сўзларнинг янги маъно касб этиши. Уларни юзага келтирувчи омиллар. Ўзбек тилининг мустақиллик даври ривожини: неологизмлар.

Сўзнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари. Синонимия ва синонимик қатор. Антонимия. Омонимия. Паронимия. Полисемия. Полисемия ва омонимия муносабати. Сўзнинг ўз (тўғри) ва кўчма маъноси. Сўз маъносининг таракқиёти. Оказионал ва узуал маъно. Тил бирликларида миллий-маданий сема. Сўзнинг семантик таркибида коннотатив маъно ва баҳо муносабатининг ифодаланиши. Ўзбек тили семасиологияси ривожинида Миразиз Миртожиевнинг хизматлари.

Ном кўчиш усуллари ва кўчма маънолар. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Вазифадошлик.

Фразеология ва фразеологизм. Фразеологизм – терминологик бирикма – эркин сўз бирикмаси. Фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари.

Лексикология ва лексикография. Луғат турлари. Луғат тузиш тамойиллари.

Терминология. Термин ва терминология тушунчалари ҳақида. Терминга қўйиладиган асосий талаблар. Терминологияда омонимия ва синонимия ҳодисаларига, полисемияга муносабат. Терминларни меъёрлаш тамойиллари. Илмий терминология ва халқ терминологияси. Терминологик луғатлар ва уларни тузиш принциплари.

Терминологик тизимларни таснифлаш асослари. Ўзбек тили терминологик тизимлари бойишининг ички ва ташқи имкониятлари. Мустақиллик даври ўзбек терминологияси: тараққиёти ва муаммолари. Адабий талаффуз (орфоэпия) меъёрлари. Ҳозирги ўзбек тилида имло тамойиллари. Лотин ёзувига асосланган ҳозирги ўзбек алифбосининг хусусиятлари.

Ономастика соҳаси ва унинг тадқиқот объекти. Ономастика лексикологиянинг бўлими сифатида. Ўзбек антропонимияси ва унинг хусусиятлари. Атоқли отларнинг типлари ва ўзига хос хусусиятлари. Этнонимия ҳақида тушунча ва ўзбек этнонимлари. Топонимика – тилшуносликнинг бўлими сифатида. Топонимларнинг таркиб топишида нолисоний омилларнинг роли. Ўзбек топонимиясининг ўрганилиш даражаси. Мустақиллик даврида топонимларни тартибга солиш борасида олиб борилаётган ишлар.

Морфемика. Ўзбек тилида аффиксал морфемаларнинг турлари. Ўзбек тилида сўз яшаш усуллари. Азим Ҳожиёвнинг сўз ясалиши ҳақидаги қарашлари. Диахрон ва синхрон сўз ясалиши. Қўшма сўзлар ва уларнинг сўз бирикмаларидан асосий фарқлари.

Ўзбек тилида луғавий ва грамматик маъно, уларнинг грамматик категорияларга муносабати. Ўзбек тилида грамматик категориялар талқини. Ўзбек тилида шакл ясовчи қўшимчалар ва уларнинг турлари.

Морфология. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ажратилиши. Сўзларни туркумларга ажратиш асослари. Ўзбек тилида феълнинг грамматик категориялари. Ўзбек тилида феълнинг функционал шакллари ёки ўзгалоғчи категория. Феълнинг нисбат категорияси.

Отнинг грамматик категориялари. Сифат ва унинг даража категорияси. Равиш ва унинг турлари. Соннинг маънога кўра турлари. Олмош ва унинг турлари. Инкор ифодаловчи воситалар ва феълнинг бўлишсизлик шакллари. Ёрдамчи феъл ва унинг турлари. Тўлиқсиз феъл.

Кесимлик категорияси ва унинг таркибий қисмлари. Шахс-сон категорияси. Майл категорияси. Замон категорияси. Ўзбек тилида феъл ва гап замонлари муносабати. Тасдиқ-инкор категорияси.

Ўзбек тилида ёрдамчи сўз туркумлари, уларнинг вазифавий хусусиятлари.

Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: таклиф-ишора, тасдиқ-инкор, модал ва ундовлар.

Синтаксис. Ўзбек тилида синтактик бирликларнинг турлари (сўз бирикмаси, гап, матн) ва уларнинг ўзаро муносабати. Синтактик алоқа турлари. Сўз бирикмалари. Ўзбек тилида сўз бирикмасининг қурилиш қолиплари. Аниқ ва мажҳул тузилмалар (фаол ва нофаол конструкциялар). Синтактик қайта бўлиниш

жараёни. Тил бирликларининг ассоциатив алоқаси. Тил бирликларининг парадигматик, синтагматик ва поғонавий муносабати.

Ўзбек тилида предикативликнинг ифодаланиши. Ўзбек тилида содда гапни таснифлаш асослари. От асосли гапларнинг семантик тавсифи. Аюб Ғуломовнинг содда гап ҳақидаги қарашлари. Гап турлари: дарак, сўроқ, буйруқ гаплар; содда ва қўшма гаплар; йиғиқ ва ёйиқ гаплар; тасдиқ ва инкор гаплар; тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар, эгали ва эгасиз гаплар ва б.

Содда гапнинг грамматик бўлиниши. Гап бўлаклари назарияси: бош ва иккинчи даражали бўлақлар; гап ва сўз кенгайтирувчилари; субъект, предикат, объект тушунчалари ва ҳ.

Содда гапнинг мураккаблашуви. Ўзбек тилида уюшиқ ва ажратилган бўлақлар. Ундалма. Кириш ва киритма тузилмалар.

Уюшган гап тушунчаси ва унинг ажратилиши.

Содда гапларда шакл ва мазмун номуносаблиги ва унинг тадқиқи. Содда гапнинг актуал бўлиниши: актуаллаштирувчи воситалар. Содда гапларда сўз тартиби. Инверсия. Нутқ актлари ҳақидаги назарий қарашлар.

Ўзбек тилида қўшма гапларни таснифлаш асослари. Қўшма гап турлари.

Тенг, тобе ва муносаб таркибли қўшма гаплар тушунчаси ва уларнинг ажратилиши. Боғланган, боғловчисиз, эргаш гаплар тушунчаси ва уларнинг ажратилиши. Қўшма гапнинг таркибидаги боғловчи воситаларига кўра турлари. Қўшма гапнинг таркибий қисмлари орасидаги маъновий муносабатга кўра турлари. Қўшма гапнинг қисмлари орасидаги функционал муносабатларга кўра турлари. Низомиддин Маҳмудовнинг ҳавола бўлакли қўшма гаплар ҳақидаги назарий қарашлари. Ўзга гап ва уни ифодалаш йўллари. Ғанижон Абдурахмоновнинг қўшма гаплар хусусидаги қарашлари. Мазлума Асқарованинг қўшма гапларга доир қарашлари.

Ўзбек тили пунктуацияси. Пунктуация тарихи ва тараққиёти. Ҳозирги ўзбек тилида пунктуация муаммолари.

Ўзбек тилида мураккаб синтактик бутунлик тушунчаси ва унинг ажратилиши. Матн ва унинг тадқиқи муаммолари. Матн таҳлили. Матнга антропоцентриқ ёндашув. Лингвокультурологиянинг мақсади, вазифаси ва долзарб муаммолари. Прагмалингвистиканинг асосий масалалари. Абдулҳамид Нурмоновнинг ўзбек тилшунослиги тараққиётига қўшган ҳиссаси.

Нутқ маданияти. Адабий тил тушунчаси. Адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари. Адабий меъёр тушунчаси. Адабий меъёр турлари. Морфологик ва синтактик меъёрлар.

Адабий тилнинг лаҳжа ва шевалар билан ўзаро муносабати. Ўзбек адабий тилининг диалектал асослари. Тил бирликларининг социал хосланиши.

Адабий тил ва нутқ маданияти. Нутқ маданияти – тилшунослик бўлимларидан бири сифатида. Нутқ маданияти соҳасининг тадқиқот объекти. Услубшунослик (стилистика) соҳаси ва унинг тадқиқот объекти. Ўзбек услубшунослигининг ўрганилиш даражаси. Ўзбек тилининг функционал услублари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятлари.



Бадиий матннинг асосий хусусиятлари. Лингвопоэтика ҳақида тушунча. Луғавий стилистика.

**«Ўзбек тили» курси бўйича малакавий имтиҳон дастури юзасидан ўқиш учун тавсия этиладиган адабиётлар**

**а) методологик адабиётлар:**

1. Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни (1989 йил 21 октябрь; янги таҳрири – 1995 йил 21 декабрь).
3. Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни (1993 йил 2 сентябрь; янги таҳрири – 1995 йил 6 май).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»ни тасдиқлаш ҳақида»ги 339-сонли Қарори (1995 йил 24 август).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони / «Халқ сўзи» газетаси. –2016 йил. –14 май.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ–4479-сонли "Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

**б) илмий адабиётлар:**

1. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Т., 1992.
2. Абдумажидов Ғ. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунига шарҳлар. – Т., 1999, 2004.
3. Абдурахмонов Ғ. Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т., 2009.
4. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси. – Т., 1964.
5. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Т., 1983.
6. Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. – Т., 1960. 7. Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили. – Т., 2004.
8. Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т., 1994.
9. Бегматов Э. Маматов А. Адабий норма назарияси. 1-3-қисмлар. – Т., 1997-1999.
10. Бегматов Э. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. – Т., 1988.

- 11.«Давлат тили ҳақида» (Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни матнлари, қонуности ҳужжатлар, қонунни амалга ошириш йўлидаги муаммо ва ечимлар) (тузувчи – Н. Жумахўжа.). – Т., 2008.
12. Джамалханов Х. Основы узбекской графики. – Т., 1991.
13. Дўсимов З., Тиллаева М. Топонимика асослари. – Т., 2002.
14. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Т., 2009.
15. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. – Т., 2007.
16. Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. – Т., 1990.
17. Йўлдошев Б., Қурбонов Т. Бадиий асар тили ва услуби масалалари. - Самарқанд, 2004.
18. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. - Т., 2007.
19. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Т., 2008.
- 20.Лутфуллаева Д.Э. Гапни семантик-синтактик қолиплаштириш муаммолари. - Т., 2005.
21. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – М., 1951.
- 22.Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. – Т., 1990.
23. Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммоси. - Т., 1991.
- 24.Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. – Т., 1995.
- 25.Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Т., 1984.
26. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. - Т., 2007, 2009.
27. Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. - Т., 2000.
28. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т., 2010.
- 29.Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Т., 1984.
30. Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. - Т., 1995.
31. Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. - Т., 1992.
21. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. - Т., 2006.
33. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. - Т., 2008.
34. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Т., 2002.
- 35.Нурмонов А. Гап ҳақида синтактик назариялар. – Т., 1988.
- 36.Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т., 1992.
37. Nurmonov A. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari. – Т., 2010.
38. Рустамов Т. Соф кўмакчилар. - Т., 1991.
- 39.Санақулов У., Насриддинзода Б. Қадимги ёзувлар ва эски ўзбек алифбоси. – Т., 1990.
40. Турсунов У., Мухторов Ж. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1965, 1990.
41. Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т., 1982.
42. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. - Т., 1990.

43. Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. - Т., 1966.
44. Худойберганава Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи.- Т., 2011.
45. Худойберганава Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т., 2015.
46. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси. - Т., 1974.
47. Юсуфов Б. Местоимения в староузбекском языке. - Т., 1991.
48. Ўзбек шевалари лексикаси. - Т., 1991.
49. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. – Т., 1975.
50. Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. – Т., 1976.
51. Ўзбек тили лексикологияси. – Т., 1981.
52. Ўзбек тили стилистикаси. – Т., 1983.
53. Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o`zbek tili. - T.: Mumtoz so`z, 2010.
54. Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи. –Т., 1982.
55. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. - Т., 1992.
56. Қиличев Э, Қиличев Б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Бухоро, 2002.
57. Qurbonova M., Yo`ldoshev M. Matn tilshunosligi. - T.: Universitet, 2014.
58. Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили (сода гап синтаксиси). - Т., 2002.
59. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. – Т., 1965. 11.
60. Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Т., 1996.
61. Ҳақимов М. Прагмалингвистика. – Т., 2000.
62. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Т., 2007.
63. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т., 2010.
64. XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси. - Т., 1990.
65. XIII -XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. - Т., 1986.